

Ур



**"ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ" МЕХАНИЗМИ ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ**

2-бет.



**ТИКТОКДА ЭНДИ 10 ДАҚИҚАГАЧА ВИДЕО ТОМОША ҚИЛСА БЎЛАДИ**

6-бет.



**БУ – МЕНИНГ КАСБИМ, БУ – МУҲАББАТИМ!**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**09 (1535)-son**  
**4-mart**  
**2022**

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## ЕТТБ ЕТУК ЭКСПЕРТЛАРИ ИНҲАДА

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетиди 4 март куни Ўзбекистоннинг рақамли технологияларга тайёрлиги ва иқтисодий кўрсаткичлари мавзусида экспертлар муҳокамаси бўлиб ўтади.

Тадбир Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 2021–2022 йилларга ўтиш даври ҳисоботи – "Тизимни янгилаш: рақамли дивидендга эришиш" мавзусидаги тақдироти билан бошланади.

Ушбу тадбирда талабалар ЕТТБнинг етакчи иқтисодчилари, йирик банклар, хорижий ва маҳаллий IT-компаниялар вакиллари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, IT-Парк ва мамлакатимизда рақамлаштириш стратегиясини амалга ошириш учун масъул бўлган бошқа идоралар раҳбарлари билан учрашиш имкониятига эга бўлади.

THE EUROPEAN BANK FOR RECONSTRUCTION AND DEVELOPMENT WILL HOLD A SEMINAR AT IUT

МАРТ ОЙИДА 2022

# MWC Барселона-2022

**Жаҳон мобил конгрессида ўзбек делегацияси ҳам муваффақиятли иштирок этди**




Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматов бошчилигидаги делегация Испаниянинг Барселона шаҳрида жорий йилнинг 28 февралдан 3 мартгача бўлиб ўтган MWC Барселона-2022 Жаҳон мобил конгрессида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон мобил конгресси бутун дунё давлатлари учун нуфузли IT-мулоқот майдонидир. Бу ерда барча мамлакатлар АКТ раҳбарлари, мутасадди вакиллари IT соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар бўйича ўзаро фикр алмашади, келгуси ҳамкорлик режалари билан ўртоқлашади. Шундан келиб чиққан ҳолда форум доирасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарияти бир қатор хорижий IT-компаниялар билан учрашувлар ўтказди, Huawei Industrial Digital Transformation Summit саммити ҳамда "Рақамли ўзгариш" мавзусидаги конференцияда фаол иштирок этди.

## ИНСТАГРАМ ЭНГ ОММАЛАШГАН МАМЛАКАТЛАР

(Фойдаланувчилар сон, млн. 2021 й.)

1. Ҳиндистон – 180
2. АҚШ – 170
3. Бразилия – 110
4. Индонезия – 93
5. Россия – 61
6. Туркия – 50
7. Япония – 48
8. Мексика – 37
9. Буюк Британия – 29
10. Германия – 27



## Roadshow

### Сирдарё вилоятида mGovAward тарғиботи



Пулистон давлат университетиди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва IT-Парк ҳамкорлигида mGovAward давлат мобил иловаларни яратиш бўйича республика танлови доирасида тарғибот тадбири (roadshow) ўтказилди. Унда 350 нафар ёшлар, хусусан, университет талабалари қатнашди.

Ушбу танловнинг мақсади талабалар ва ўқувчиларни давлат мобил иловаларини яратишга қизиқтириш, янги ва керакли мобил иловаларни ишлаб чиқиш ва энг яхши лойиҳаларни молиявий рағбатлантиришдан иборат. Кўрик-танловнинг грант маблағи 100 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ғолибларга 1-ўрин учун 50 минг доллар, 2-ўрин учун 30 минг доллар ва 3-ўрин учун 20 минг доллар миқдорида пул мукофотлари топширилади.



Жумадан  
жумагача

Евроосиё ҳукуматлараро кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат мақомида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси 25 феврал кuni Нур-Султон шаҳрига ташриф буюрди. Йиғилишда Ўзбекистоннинг ЕОИИ доирасида амалга оширилаётган электрон тижоратни ривожлантириш, савдо тартибини рақамлаштириш, Евроосиё Агроекспресс логистика лойиҳаси ва экология масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш ҳамда Марказий Осиё минтақасида транспорт имкониятларидан кенг фойдаланиш сингари бир қатор ташаббуслари илгари сурилди. Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

26 феврал кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқот қилди. Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд кuni билан самимий табриқлаб, унга мухташам соғлик, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, Туркиянинг дўст халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Мулоқот чоғида икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалалар кўриб чиқилди. Халқроқ сиёсат ва минтақавий тузилмалар доирасидagi ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев расидаги 1 март кuni хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мухташамлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, йиғилишда аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибнинг ўринбосари – Контеррор бошқармаси раҳбари Владимир Воронковни қабул қилди. Учрашув якунида Ўзбекистон ва БМТ Контеррор бошқармаси ўртасида амалий шерикликни кенгайтириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислоом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг таклифига биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади. Бўлажак олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон-Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ўрин олган.


Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди билан учрашди. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-транзит, сув энергетикаси, маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон-Қозоғистон иттифоқчилик муносабатларининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

## “Электрон парламент” механизми татбиқ қилинади

Олий Мажлис Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

– Президентимизнинг 2021 йил 16-18 декабр кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида жуда кўплаб икки томонлама ўзаро манфаатли келишувларга эришилди, – деди Сенат Раиси Танзила Норбоева. – Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий секторни рақамлаштириш, “яшил энергетика” тизимини ривожлантириш ҳамда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларида узоқ муддатли мўлжалланган янги устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлар юзасидан Президентнинг алоҳида қарори қабул қилиниб, тегишли амалий ҳаракатлар режалари (“Йўл хариталари”) қабул қилинди. Қарор билан Олий Мажлис палаталарига олий



даражадаги келишувларнинг бажарилиши, тасдиқланган “Йўл хариталари” ижроси устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш, шунингдек, амалга оширилган ишлар самарадорлигини Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан келишган ҳолда баҳолаб бориш тавсия этилган.

Тадбир давомида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллигига бағишланган “Ўзаро алмашинувлар йили”ни ташкил этиш, Сенат фаолиятида Жанубий Корея парламенти тажрибаси асосида “Электрон

парламент” механизмини татбиқ қилиш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Шунингдек, мажлисда Сенат Раиси Танзила Норбоева одамларни таниб олувчи технологиянинг жорий этилиши ҳақида фикр билдирар экан, ички ишлар органлари ходимларига юзни таниб олиш ва бармоқ изини аниқлаш дастурига эга планшетлар берилганлигини қўллаб-қувватлади. “Ушбу тизим жиноятчи, қочоқ, бедарак йўқолган шахсларни топишда кўл келиши бутун дунёда исботини топган”, деди у.

### Таълим ва тараққиёт

## Инкубация ва акселерация маркази талабаларнинг яқин кўмакчиси

Новий давлат педагогика институтида Инкубация ва акселерация маркази фаолият бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоралар-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш

кўзда тутилган бўлиб, жумладан, таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадавреспубликанинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиб белгиланган эди.

Ушбу марказ замонавий ўқув хонаси ва компютерлар, зарур АКТ ҳиҳозлари билан таъминланган.

Эндиликда талабалар ўз гоёлари ва лойиҳаларини тўсиқларсиз амалга оширишлари, устоз-мураббий ва мутахассислар ёрдамида инновацион гоёлар ва стартап лойиҳаларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган беш ташаббуснинг 3-йўналиши сифатида аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш Инкубацион марказнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган, – дейди институт ректори Баҳодир Собиров. – Инкубация маркази фаолияти доирасида талабалар учун тури маслаҳат, мусобақа ва семинарлар ўтказиш, талабаларнинг вақтини самарали ва сифатли ўтказишига ёрдам бериш, уларнинг стартап лойиҳаларини шакллантириш, инновациялар соҳасидаги ёшлар ташаббусларини аниқлаш, жамоаларини қўллаб-қувватлаш, талабалар, докторантлар ва ёш олимларнинг илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳам ружлаштирилган.


Тадбирда институт талабалари томонидан тайёрланган стартап лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Абдували БЎРИЕВ





1 Жаҳон мобил конгрессида ўзбек делегацияси ҳам муваффақиятли иштирок этди



Конгрессда АКТ вазири Шерзод Шерматов ва Баҳрайн Кироллиги транспорт ва телекоммуникациялар вазири Камол бин Аҳмад Муҳаммад ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам шу мақсадга қаратилди. Учрашув давомида Ўзбекистон ва Баҳрайн Кироллиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, жумладан, IT тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ВРО ва КРО-хизматларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда Баҳрайннинг IT компанияларни жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистонда Баҳрайн IT компанияларининг ваколатхоналарини очиб ва IT-Парк резидентлигига жалб қилиш бўйича музокарали олиб борилди. Ўзбек делегацияси бугунги кунда юртимизда маҳаллий ҳамда хорижий IT-бизнесни қўллаб-қувватлаш учун барча шароитлар яратилгани, бунда визаларни олишда, корхона юридик жиҳатдан расмийлаштиришда, имтиёзли равишда биноларни ажратишда, банк ҳисоб рақамларини очишда, солиқ имтиёзларни тақдим этишда ҳамда маҳаллий кадрларни танлашда IT-Парк ташкилий кўмакка тайёрлиги ҳақида баҳрайнликларга маълумот беришди.

Мулоқотда Баҳрайн IT-компанияларининг Ўзбекистонда стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун венчур жамғармаларни жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Республикада ВРО ва КРО хизматларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда баҳрайнлик IT компанияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда таъкидланганидек,

Баҳрайннинг IT компаниялар маҳаллий ишчиларни рақобатбардош шартлар асосида кенг жалб этишлари мумкин бўлади. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ёш ва меҳнатга лойиқ аҳолининг бандлигини оширишда ва юқори маошли IT касбларни эгаллаш орқали уларнинг даромадларини оширишга замин яратади.

Шунингдек, Баҳрайн давлат ташкилотлари ва компаниялари 2022 йил 24-26 октябр кунлари Ўзбекистонда АКТ ҳафталиги доирасида бўлиб ўтадиган ICT Week Uzbekistan халқаро рақамли форумга таклиф қилинди.

Томонлар кенг ва ўзаро манфатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, уларни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирди.

\*\*\*

**MWC Барселона-2022** Жаҳон мобил конгрессида АКТ вазири Шерзод Шерматов ҳамда Халқаро электралоқа иттифоқининг Телекоммуникацияларни ривожлантириш бюроси директори Дорин Богдан Мартин ўртасидаги учрашув ҳам самарали кечди.

Учрашувда жорий йилнинг 6-16 июн кунлари Бутунжаҳон телекоммуникацияларни ривожлантириш конференцияси доирасида бўлиб ўтадиган Ёшлар саммитига Ўзбекистон ёшларини жалб қилиш, шунингдек, болаларни онлайн ҳимоя қилишга қаратилган Гига лойиҳаси учун грант маблағларини ажратиш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ВРО ва КРО марказларини ташкил этиш учун экспертлар ва ХЭИ маблағларини жалб қилиш бўйича масалалар кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 28 апрелида бўлиб ўтадиган "Халқаро АКТ

соҳасида қизлар куни" ни ўтказиш ҳамда АКТ соҳасида Хотин-қизлар ва ёш авлод малакасини оширишга қаратилган IT-марказини очиб бўйича таклифлар илгари сурилди.

Учрашув чоғида томонларни қизиқтирган саволлар юзасидан атрофлича фикрлар алмашилди. Қатор долзарб IT йўналишлар бўйича қўшма тренинглار ташкил этишда келишувларга эришилди.

\*\*\*

**Veeline** бренди остида ишлайдиган VEON компанияси Ўзбекистонда инвестициялар ҳажмини салмоқли даражада кўпайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш чораларини кўради. Бу ҳақида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазири Ш.Шерматов ва VEON компаниялар гуруҳи бош ижрочи директори Каан Терзиоглу ўртасида конгресс доирасида кечган мулоқотда алоҳида таъкидланди.

Учрашувда телекоммуникация тармоқларини, айниқса, олис ва етиб бориш қийин бўлган чекка қишлоқ ҳудудларида лойиҳаларни


амалга оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмини ошириш, IT-ходимларни тайёрлаш учун халқаро тренерларни жалб қилган ҳолда таълим лойиҳаларини амалга ошириш каби мавзулар муҳокама қилинди. Шунингдек, маҳаллий ёшларни ишга жойлаштириш орқали ВРО (бизнес жараёнлари аутсорсинги) ва КРО (билим жараёнлари аутсорсинги) хизматларини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширилишида VEON компаниясини бевосита иштироки масаласи ҳам кўрилди.

Бундан ташқари, томонлар таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, истиқболли илмий-тадқиқот ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш, грантлар орқали танловлар ўтказиш ҳамда IT-таълимга инвестициялар ҳажмини ошириш каби мавзуларда фикр алмашилди. VEON компаниясининг 2022 йил 24-26 октябр кунлари Ўзбекистонда АКТ ҳафталиги доирасида бўлиб ўтадиган ICT Week Uzbekistan халқаро рақамли форумида иштирок этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Элатиб ўтамиз, MWC Барселона-2022** Халқаро мобил конгресси 155 мамлакатдан 2000дан ортиқ турли компания ва ташкилотларни бирлаштирган IT-саноатидаги энг йирик халқаро тадбирлардан бири ҳисобланади. Конгресс доирасида етакчи мутахассислар ва бозор экспертлари АКТ соҳасидаги сўнги тенденцияларни муҳокама қиладилар ҳамда сўнги технологик ютуқлар тақдирларини ўтказадилар.

Бу йилги тадбир дастури булутли технологиялар, 5G технологияларини ривожлантириш, сўнги интеллектуал илгари суриш, интернет технологияларининг кириб келиши каби долзарб масалаларга бағишланди.

Конгрессда етакчи халқаро IT-компаниялар – технологик асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари, телекоммуникация ва мобил алоқа операторлари, миллий IT-бозорлари вакиллари, жумладан, Amazon, AT&T, China Mobile, HTC, Huawei, ZTE, Amdocs, HP, Nokia, Qualcomm, Vodafone, Kaspersky, Accenture, Fujitsu ва бошқалар иштирок этди. Тадбирни CNBC, Financial Times, The Wall Street Journal, Time, Euronews каби нуфузли оммавий ахборот воситалари ёритиб борди.



# Моҳиржон РИХСИВОЕВ: ҚАЙСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ЎҚИШНИ ТАНЛАШИМ ҚИЙИН КЕЧГАН

2021-2022 ўқув йилида 56 нафар талаба Президент стипендиясига сазовор бўлди. Муносиб қўрилганлар орасида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти Моҳиржон РИХСИВОЕВ ҳам бор. У бизга ўз фаолияти, қўлга киритган ютуқлари ва режалари ҳақида гапириб берди.

Моҳиржон Рихсивоев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти “Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшитириш қўрилмалари ҳамда тизимлари” магистратура таълим йўналишининг 2-босқич магистранти. Ҳозирда магистрлик диссертациясини Австриянинг Клагенфурт университети профессори Жан Чемберлен Шеджу раҳбарлиги остида амалга оширмакда. Моҳиржон ўзининг интизомлиги, тиришқоқлиги, иқтидорлиги ва фаоллиги билан бошқалардан ажралиб туради. Мамлакатимиздаги бир қатор илмий журналларда илмий мақолаларини чоп этиб келади.

## Алоқа соҳасига қизиқишим болалиқдан пайдо бўлган

Мактабда ўқиб юрган пайтимда-ёқ уйимиздаги турли хил маиший техникалар ишламай қолса, уларни тузатишга ҳаракат қилардим. Бир қанчаси тузаларди ёки чиқиндига ташланарди. Шундан сўнг, 5-синфда “Келажак авлод” қошидаги “Радио-электроника” тўғарагага 4 йил қатнадим. Турли хил мусобақаларда ўз ихтироларим билан иштирок этиб фахрли ўринларни эгалладим. Шу йўсинда компьютер технологияларига қизиқишим ортиб борди. Менинг бобом Рихсивой Карабаев Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиган, кўп йиллар давомида алоқа соҳасида ишлаган, ҳозирда нафақадар. Бобом ҳам алоқа соҳасида фаолият юритганлари учунми, менинг ушбу соҳага бўлган қизиқишим янада ортган.

Туманимиздаги 81-умумий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга битириб, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейига ўқишга қабул қилиндим. Ушбу лицейни битирганимдан сўнг, 11та олий ўқув юртлирига ҳужжатларимни топширдим. Улардан Россия, АКШ, Австралия, Германия политехника университетлари, шу қаторда, ватанимиз ўзбекистонда очилган чет эл олий ўқув юртлири филиалларига шартнома асосида қабул қилиндим. Қайси таълим муассасасида ўқишни танлашим қийин кечган. Мен эса Тошкент

шаҳридаги Турин политехника университети ахборот технологиялари факултетида ўқишни танладим. Биринчи босқични битирганимдан сўнг, 2-босқичга тўловни амалга ошириш учун оилавий шароитим бўлмаганлиги сабаб, 2017 йил Тошкент ахборот технологиялари университетига телекоммуникация технологиялари факултетида ўқишни қўчирганман ва бакалаврнинг 2-босқичдан ўқишни давом эттирдим.

## Кўзи ожиз инсонлар учун дастурий таъминот

Университетимизнинг бакалавр босқичида, дўстларим ва малакали ўқитувчиларимиз билан бирга “Мехатроника ва робототехника” жамоасини ташкил қилган эдик. Ҳозирда ушбу жамоа билан бирга турли хилдаги инновацион технологиялар, дастурий таъминот ва қўрилмаларни яратиб келмоқдамиз.

Менинг илк мақолам мавзуси “Voice synthesizer smart software program for blind people”, яъни “Кўзи ожиз инсонлар учун ақлли овоз синтезатори дастурий таъминоти”ни яратиб бўлган ва ушбу мақолам бакалаврнинг 2-босқичида чоп этилган. Ҳозирда бу мавзу бўйича кўзи ожиз инсонларга қўлайликлар яратиш учун жамоамиз билан турли хил инновацион технологиялар ва дастурий таъминотлар устида иш олиб бораёмиз.

## Ҳали ҳеч қаерда қўлланилмаган янги технология

2020 йил бакалаврни битирганимдан сўнг магистратура босқичини шу йили давом эттиришни ният қилдим ва ўқишга киришга тайёргарлик кўрдим. Ўша йили COVID-19 пандемияси сабабли, магистратура босқичига кириш имтихонлари тест шаклида бўлиб ўтди. Олдинга қўйган мақсадим ва тинимсиз ҳаракатларим натижасида тестдан юқори баҳо олиб, магистратурага давлат гранти асосида ўқишга киришга сазовор бўлдим.

Магистрлик ишимни Австриянинг Клагенфурт университети профессори Жан Чемберлен Шеджу ва PhD илмий даражаси соҳиби Ҳабибулло Носиров раҳбарлигида олиб бораёман. Диссертация мавзуси “Реал вақтда трафикни симуляция қилиш ва тасвири қайта ишлашда танланган иловалар

билан нейрокомпьютерга асосланган ўта тезкор дифференциал тенгламаларни ечиш”.

Йил сайин одамларнинг автомобилга бўлган эҳтиёжи ошиб, транспорт воситалари сони кўпайиб бормоқда, бу, ўз навбатида, йўлларда йирик тирбандликни юзага келтиради. Лойиҳамни мақсади серқатнов автомобил йўлларида транспорт воситалари қатновини тартибга солиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олишдир. Светофорга ўрнатилган радар (камера) орқали йўллардаги транспорт воситалари сони ҳақидаги маълумот келиб тушади. Светофорга нейрон тармоқ ўрнатилгандан сўнг, барча светофорлар тармоқ доирасида ўзаро боғланади, бунинг натижасида транспорт оқими назорат қилиш ва бошқариш, тирбандликни олдини олиш имконини беради. Бу технология янги бўлиб, ҳали ҳеч қайси давлатда қўлланилмаган.

## Халқаро Erasmus+ , SPACOM лойиҳалар иштирокчиси

2019 йилда Австриянинг Клагенфурт университети профессори Кяндогҳере Кямакянинг “Nonlinear Dynamical Systems: Modeling, Simulation and CNN-based Computing” номли махсус курсини муваффақиятли якунлаб, “Erasmus+” дастур иштирокчилари сафидан жой олган эдим. Ушбу лойиҳада иқтидорли ёшларни саралаб олиш учун бир қанча имтихонлар ва сўхбатлар ўтказилган эди ва мен ушбу босқичлардан ўтиб лойиҳа қатнашчисига айландим.

Бунинг натижасида, 2019 йил Европа Иттифоқи “Erasmus+” дастурининг “INTRAS (Intelligent Transport System)” лойиҳаси Словакия давлатининг Зилина университети талабалар учун икки ҳафталик амалиёт дастурида иштирок этиб келдим ва “Aimsun, Map & Guide” ўқув амалиёт дастурларини муваффақиятли тамомлаб, сертификатга эга бўлдим.

Бир ойдан сўнг, 2019 йил 31 май – 15 июн кунлари Huawei компанияси томонидан уюштирилган “Келажак ниҳоллари” таълим лойиҳаси грантини ютиб олиб, икки ҳафта давомида Пекин ва Шэньчжэнь шаҳарларида амалиёт ўтадим. Амалиёт дастури доирасида Huawei компаниясининг 5G, Big Data, булутли технологиялар ва IoT сингари инновацион ечимлари бўйича ташкил

қилинган тренингларда қатнашдим. Ва ҳозирда университет ёш талабаларига олган билим, кўникма ва малакаларимни улашиб келяпман.

Яна бир қатор халқаро лойиҳаларда, жумладан, Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасидаги “Intelligent transport systems: new ICT – based master’s curricula for Uzbekistan (INTRAS)” ва “New study program in space systems and communications engineering (SPACOM)” лойиҳаларида қатнашяпман.

## “2021 йилнинг энг яхши муҳандиси”

Бакалавр босқичини битирганимдан сўнг, Huawei компаниясининг MSSC маркетинг ва ечимларни улашиш марказининг маълумотлар алмашинуви бўлимига муҳандис вазифасига ишга қабул қилиндим. 2021 йилнинг энг яхши муҳандиси совринини қўлга киритгач, 2022 йилдан хизмат тармоғини лойиҳалаш муҳандислиги бўлимига ўтдим.

Huawei компанияси телекоммуникация қўрилмалари ва технологияларини ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг йирик компанияларидан бири ҳисобланади. Ушбу компания давлатимиз ривожига билим ва кўникмаларимни ривожлантиришда жуда катта ёрдам бермоқда. Компанияда, малакали муҳандис ва профессорлар билан ҳамкорликда диссертация мавзуси бўйича муҳокамаларни амалга ошираимиз.

## Келажакдаги режалар

Президент стипендияси менга келгуси инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб боришга ва илмий изланишларимни докторантурада давом эттиришга катта туртки берди. Шу йили магистрлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилиб, бошлаган илмий ишимни докторантурада давом эттириб, докторлик диссертациямни Австриянинг Клагенфурт университетида ёқлаш ниятим бор. Ушбу жараёнда биринчи ўринда ота-онам, ўқитувчи – профессорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келишмоқда.

Бу йилги режаларимиз катта, насиб қилса ўз жамоамиз билан InnoWeek.Uz-2022 Халқаро инновацион гоёлар ҳафталиги ва “EXPO 2022 Dubai” жаҳон кўргазмасида иштирок этиш ниятимиз бор.

Дилноза ЗОКИРОВА,  
“Xabar” муҳбири

# Повысили квалификацию в сфере ИКТ

В Учебных центрах цифровых технологий в Самаркандской области продолжается работа по повышению квалификации сотрудников сферы здравоохранения в сфере ИКТ и компьютерной грамотности.

В качестве примера можно привести Учебный центр цифровых технологий в Зарбдарском районе Джизакской области, где 28 работников сферы здравоохранения – IT-операторы и работники регистратуры повысили свою квалификацию на бесплатных курсах по компьютерной грамотности и пользованию информационной системой «Электронное здравоохранение».

Следует отметить, что в каждом семейном врачебном пункте, семейной поликлинике и районных многопрофильных центральных поликлиниках была внедрена должность IT-оператора – медицинского сотрудника для работы с электронной системой.



## Открыта регистрация на турнир по киберспорту aorus frag s8

С 13 марта по 3 апреля проводится международный турнир киберспортсменов AORUS FRAG S8, пишет пресс-служба IT-Park.

Мероприятие организовано Frag.GG, при поддержке IT-Park, AORUS Team Up, Fight On, компания Palit и компьютерный магазин G-Shop. Турнир проводится в двух дисциплинах — CS:GO и Dota 2, суммарный призовой фонд составляет \$4000.

По каждой из дисциплин состоится 4 квалификации, что даёт каждой команде 4 шанса пройти в плей-офф турнира. В каждой из квалификаций может участвовать до 128 команд:

Квалификации по CS:GO — 13, 14, 15 и 16 марта.

Квалификации по Dota 2 — 17, 18, 19 и 20 марта.

Стадия плей-офф по Dota 2 состоится 24–27 марта, по CS:GO — с 31 марта по 3 апреля. Победители каждого из двух направлений получат награду в \$1500, обладатели вторых мест — по \$500.

Узнать подробности и зарегистрироваться для участия можно на сайте Frag.GG.



## Ученые создали генеалогическое древо человечества

Специалисты Института больших данных Оксфордского университета (Великобритания) создали масштабную генеалогическую карту человечества. Они включили в нее данные о современных и древних геномах человека из нескольких баз данных. Результаты исследования опубликованы в журнале Science.

В общей сложности в работу были включены 3609 последовательностей отдельных геномов из 215 популяций. Древние геномы были выделены из образцов возрастом от 1 тысячи до более чем 100 тысяч лет, найденных по всему миру.

После добавления данных о местоположении геномов авторы использовали сеть для оценки того, где жили предсказанные общие предки. В результате ученым удалось восстановить ключевые события в истории эволюции человека, в том числе миграцию из Африки, пишет «Профиль».

Авторы отмечают, что планируют в будущем сделать генеалогическую карту еще более полной.



### КАЖДЫЙ ПЯТЫЙ КОМПЬЮТЕР В МИРЕ УЖЕ РАБОТАЕТ НА WINDOWS 11

В сети опубликовали новый отчет по распространению операционных систем Microsoft. Он показал, что Windows 11, последняя ОС компании, установлена почти на 20% всех ПК с Windows по всему миру.

Примечательно, что это довольно небольшой рост. В январе была зафиксирована 16,1-процентная доля. В целом, Windows 11 стала третьей по величине после двух версий Windows 10 (а именно 21H2 и 21H1). Все эти данные получены на основе выборки из 60 тысяч ПК. Стоит также отметить, что опрос охватывает только Windows 10 и более поздние версии, поэтому эти данные не учитывают все другие версии ОС.

Хотя 20% — небольшая цифра, Windows 11 всё же относительно новая ОС, поэтому мы можем ожидать, что в ближайшие месяцы эта цифра вырастет.

### УЧЁНЫЕ СОЗДАЛИ САМЫЙ КРАСНЫЙ МАТЕРИАЛ

Сингапурские физики создали красный материал с рекордной насыщенностью цвета.

С точки зрения физики насыщенность характеризуется спектральной плотностью внутри и вне диапазона, который соответствует какому-то цвету. Когда она равна нулю, цвет максимально насыщен. Интересно, что в природе такого с красным цветом не достигается. Даже красные перья тропических птиц не полностью красные: в их спектрах есть синие или зелёные компоненты.

Учёные же смогли создать красный материал, обладающий рекордной насыщенностью. Исследователи смогли правильно подобрать форму и расположение двух кремниевых наноантенн, поддерживающих квазисвязанные состояния в континууме. Учёным пришлось вырастить на кварцевой подложке слой аморфного кремния, из которого вытравливали массив наноантенн нужной формы. Отмечается, что полученный красный цвет вышел за пределы треугольника на хроматической диаграмме, используемом в стандарте sRGB.

### REALME ПРЕДСТАВИЛА САМУЮ БЫСТРУЮ ЗАРЯДКУ ДЛЯ СМАРТФОНОВ В МИРЕ

Realme в рамках выставки MWC представила новую технологию зарядки, которая обеспечивает мощность от 100 до 200 Вт. Компания также сообщила, что вскоре выпустит первый смартфон с поддержкой новинки UltraDart (UDCA). — Realme GT Neo3. Он будет поддерживать мощность 150 Вт.

Существующие телефоны, которые используют старую версию Dart, поддерживают мощность от 18 до 65 Вт. Лучшие из них можно полностью зарядить за 35 минут. UltraDart будет работать ещё быстрее. Кроме того, технология имеет дополнительные функции для обеспечения безопасности и долговечности батареек.

Плюс гарантирует, что температура батареи останется ниже 43°C во время зарядки, даже если пользователь при этом играет или смотрит видео на смартфоне.



## БАРСЕЛОНАДА 2022 ЙИЛГИ ЖАҲОН МОБИЛ КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ

Барселонада 28 феврал – 3 март кунлари Жаҳон мобил конгресси (MWC 2022) бўлиб ўтди. Анъанага кўра, тадбир Fira Barcelona кўرғазмалар мажмуасида 18здан ортиқ давлатдан келган 1 800та компания иштирокида ўтказилди.

5G технологиялари, сунъий интеллект, булутли технологиялар, молиявий технологиялар ва хизматлар, нарсалар интернет (Internet of everything) — доимгидек кўрғазманинг асосий мавзуларига айланди.

Ўзбекистоннинг рақамли трансформацияни жадаллаштиришдан манфаатдорлигини инобатга олиб, мобил операторлар ва АКТ регуляторлари делегацияси тажриба алмашиш ва келгусида республиканинг АКТ инфратузилмасини мустаҳкамлаш учун қўлланилиши мумкин бўлган рақамли трендларни ўрганиш мақсадида тадбирда иштирок этди.

## “РОСКОСМОС” МИКРОЭЛЕКТРОНИКАНИ КИМДАН ОЛМОҚЧИ?

Йўлдошлар учун санкцияга тушган бутловчи қисмларни Хитойдан сотиб оламиз, деди “Роскосмос” давлат корпорацияси раҳбари Дмитрий Rogozin.

Россия ўз миллий микроэлектроника саноатини йўлга қўя олмаганига иқдор бўлган Rogozin ҳамма нарсани бир ўзи ишлаб чиқара олмаганини қўшимчалади.

“ХХР билан муносабатларимиз ажойиб... Ва биз бу муаммоларни ҳал қиламиз. Ўзимиз ишлаб чиқармайдиган нарсаларни хитойлик ҳамкасбларимиздан сотиб оламиз”, — таъкидлади у.

“Роскосмос” раҳбарининг олдинги баёнотларига кўра, санкциялар (аввалгилари) қўлланиши

микроэлектроника тақчиллигига олиб келиб, оқибатда қатор фазовий аппаратларни учуриш қолдирилган. Рус ракеталари 2021 йилда фазога учуши керак эди.

## THE QUESTION АСОСЧИСИ ВА “ЯНДЕКС.КЮ” СОБИҚ РАҲБАРИ “ЯНДЕКС”ДАН ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

The Question асосчиси ва “Яндекс.Кю” собиқ раҳбари Тоня Самсонова “Яндекс”дан истеъфога чиқганини маълум қилди. Бу ҳақда у Facebookда ёзди.

“Яндекс” ўзининг yandex.ru қидирув тизимининг бош саҳифасида Россия қўшини Украина шаҳарларини ўққа тутаётгани ва тинч аҳолини ўлдираётгани ҳақидаги хабарларни акс эттирмаётгани сабабли мени ўз хоҳишимга кўра бўшатишларингизни сўрайман. Компаниянинг бу ишини жиноят ҳамда уруш ва қотилликларга шериклик деб ҳисоблайман”, деб ёзди Самсонова ўз аризасида.

“Яндекс” Самсонованинг ишдан бўшаши юзасидан муносабат билдиришни истамади.

## ТИКТОКДА ЭНДИ 10 ДАҚИҚАГАЧА ВИДЕО ТОМОША ҚИЛСА БЎЛАДИ



Ўтган йили июл ойида ByteDance компанияси TikTok видеоларининг узунлигини уч дақиқагача оширган эди. Энди эса ТикТок видеолари 10 дақиқагача кенгайтирилиши эълон қилинди.

ByteDance вакилининг таъкидлашича, 10 дақиқалик видеоларнинг киритилиши жамиятга фойда келтиради ва ТикТок тажрибасини бойити. Шунингдек, у бутун дунёдаги видео ижодкорлар учун янада ижодий имкониятларни очиши кутиляпти.

Мақсадлардан бири YouTubeнинг улкан аудиторияси бир қисмини бўлса — да оғдириб олиш.

## BITCOIN НАРХИ КЕТМА-КЕТ ИККИ КУН ОШИБ, 44 МИНГ ДОЛЛАРГА ЕТДИ



Bitcoinнинг нархи иккинчи кун кетма-кет ошмоқда. Santiment таҳлилчилари фикрига кўра, энг асосий криптовалюта нархининг ошиши криптоҳамжамиятда юқори даражадаги салбий кайфиятни уйғотди.

Бу сафарги ребоундни эътиборсиз қолдириб бўлмайди: бир ҳафта ичида дунёдаги асосий криптовалюта 16 фоизга қимматлашди ва энг катта ўсиш якунига етаётган ҳафтанинг душанба ва сешанба кунларига тўғри келди.

Айни пайтда 1 BTC тахминан 44 000 долларга тенг.

## APPLE КЛАВИАТУРАСINI ЭНДИ КОМПЮТЕР ЎРНИДА ИШЛАТСА БЎЛАДИ


Apple компанияси клавиатурага ўрнатилган компютер учун патент олди.

Янги қурилма клавиатурада бўлиб, унинг ичида компютер компонентлари жойлашган. Компания муҳандисларининг сўзларига кўра, ушбу мини-компютерни осонгина ўзингиз билан олиб юриш ва аксессуарларга улашингиз мумкин — тўлиқ иш учун монитор ва сичқонча кифоя қилади.

Журналистларнинг қайд этишича, ушбу патент Apple Magic Keyboard маркали клавиатуралар имкониятларини очиб беради. “Фойдаланувчи ўзи билан бутун ноутбук ёки аксессуарлари бўлган тизим блокинни эмас, балки компютер жойлашган клавиатурани олиб юриши мумкин”, — деб таъкидлаган муаллифлар.



## Халқаро ҳаёт



## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РОССИЯ БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БМТ Бош ассамблеяси Россиядан Украинада куч ишлатишни бас қилиш ва қўшинни олиб чиқиб кетиш талаб қилинган резолюцияни қабул қилди.

Резолюция қабул қилинишини ёқлаб 141 мамлакат овоз берди. Қаршилар — 5 мамлакат (Россия, Беларусь, Сурия, КХДР, Эритрея).

Бетарафлар — 35 мамлакат (Хитой, Хиндистон, ЖАР, Қозоғистон, Покистон, Эрон, Ироқ, Куба ва бошқалар). Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ва яна бир неча давлат овоз беришда иштирок этмаган.

## ЕВРОПАРЛАМЕНТ РОССИЯ ВА БЕЛАРУСНИ SWIFTДАН ТЎЛИҚ ЎЧИРИШГА ЧАҚИРДИ

Европарламент депутатлари Россиянинг Украинага ҳужуми қораланган резолюцияни бир овоздан қабул қилишди.

Резолюцияда асосан қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

■ Европарламент депутатлари Европа Иттифоқини ушбу иттифоққа аъзо бўлиш учун Украинага номзодлик мақомини беришга чақиришди.

■ Россиядан нефть ва газ импорт-



тини чеклаш ҳамда барча портларни Россия кемалари учун ёпиш.

■ РФга қарши санкциялар кенгайтирилиши ва “иқтисодиёти ва ҳарбий-саноат базасининг стратегик кучсизланиши”га қаратилиши керак.

■ Европарламент ЕИни Россия ва Беларусни SWIFTдан тўлиқ ўчиришга чақирди.

■ ЕИ мамлакатларида РФнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари сонини қисқартириш.

■ Украина иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун кўп миллиард-ли ёрдам режаси тайёрлаш.

■ РФ ва Беларуснинг ҳарбий ва фуқаролик ускуналари учун дастурий таъминот лицензиялари амал қилишини тўхтатиш.

## ОЛМАОТАДА ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРГОҲИ БУЗИБ ТАШЛАНИБ, ЎРНИГА ХАЛҚ УЧУН ХИЁБОН ҚУРИЛАДИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридаги президент қароргоҳи бузиб



ташланиб, ўрнига халқ учун хиёбон қурилади. Бу ҳақда Қосим Жўмарт Тўқаевнинг матбуот котиби Берик Вали хабар берди.

Январ воқеалари чоғи, аниқроғи, 5–6 январь кунлари Қозоғистон президенти Олмаотадаги хизмат қароргоҳи вайронага айланган эди: биринчи қаватга олиб қирилган машина портлаб, ёнғин содир бўлган.

Тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келган бино ўрнига янгисини қуришмоқчи эмас. Бу ерга дараклар экиб, халқ сайр қиладиган хиёбонга айлантиришади.

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ МУЛОҚОТДА

САЙЁР  
ҚАБУЛ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали ва “Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси, вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари билан биргаликда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 1-сектор штаби ҳудудида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш ва фуқаролар муаммосини жойида ҳал этиш мақсадида аҳоли билан сайёр қабул ўтказилди.

Маҳалла ҳудудида мобил алоқа қамровини яхшилаш, сифатли

интернет хизматларини жорий этиш, почта хизматлари, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Юзма-юз мулоқотда аҳолидан асосан юқори тезликдаги интернет хизматларини жорий этиш, почта алоқа хизматларини маҳалла ҳудудида ташкил этиш юзасидан аризалар келиб тушди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди, керакли тушунтиришлар берилди ҳамда вақт талаб қиладиган муаммоларни ечиш юзасидан Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган алоқа кор-

хона ва ташкилотлар ҳамда мобил алоқа компаниялар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, иштирокчиларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш бўйича ташкил этилган Ишонч телефонлари “1144” ва “1199” қисқа рақамларига кечаю-кундуз мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

Кўрсатилаётган алоқа хизматларининг иш сифатини янада ошириш, мижозлар томонидан тушаётган мурожаатларни камайитириш мақсадида шу каби учрашувларни янада кўпроқ ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг почта хавфсизлиги бўйича директори Фозилжон Аҳмедов Андижон вилояти фуқаролари билан сайёр қабул ўтказди.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш мақсадида ўтказилган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги 4921-сонли қарорига асосан почта хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ва почта алоқаси соҳасининг бугунги ҳолати, истиқболдаги режалари тўғрисида сўз борди.

Шундан сўнг Ф.Аҳмедов тадбирда иштирок этган андижонлик кенг жамоатчилик вакиллари қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар берди. Аксарият мурожаатларга бевосита сайёр қабул давомида ечим топилди. Бошқа масалалар бўйича уларнинг ижроси назоратга олинди. Аҳоли билан мулоқот давомида юзага чиққан масалалар ижроси тегишли ходимларга йўналтирилди.



## Ҳамкорлик

# “ЗИАДИН” ПОЧТА АЛОҚА БОҒЛАМАСИДА ЎЗГАРИШЛАР КўП

Сўнгги икки йил ичида почта соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Натижада олис ва чекка ҳудудлардаги почта алоқаси бўлимлари самарадорлиги ошиб, аҳолига барча турдаги почта хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Яратилган шарт-шароитлардан эса аҳоли мамнун.

Ўтган йили Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги “Зиaddin” почта алоқа боғламасининг бешта бўлими таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Биноларнинг моддий-техника базаси янгиланиб, ўн та компьютер жамланмаси, бешта термопринтер ва иккита электроскутерлар билан таъминланди.

– Ўн уч йилдан бери шу тизимда фаолият юритиб келяпман, – дейди боғламанинг “Мисит” алоқа бўлими бошлиғи Гавҳар Жўраева. – Бундан икки йил олдинги почта хизмати билан ҳозиргисини таққослаб бўлмайди. 2021 йилда бўлимимиз учун янги бино қурилди. Айниқса, ўттиз бешга яқин турли тўловлар бўлимнинг ўзида амалга оширилаётгани мижозларга янада қулайлик яратмоқда. Одамларнинг вақти, нақди тежалеяпти. Қувонарлиси, бўлимимиз ўтган йили вилоятда энг намунали бўлимлардан бири, деб эътироф этилди.

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ



## ФИЛИАЛГА МАРОҚЛИ САЁҲАТ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Академик лицей ва техникумларга методик ёрдам бериш сектори бош мутахассиси Ирода Набиева томонидан Пастдарғом туманидаги 80 ва 111-умумтаълим мактабларининг 9 ва 10-синф ўқувчиларининг филиалга саёҳати ташкил этилди.

ТАТУ Самарқанд филиали бўйлаб саёҳатда ўқувчилар “Электроника ва схемалар”, “Кейинги авлод конвергент тармоқлари” лаборатория хоналари ва у ердаги жихозлар, сервер, инкубация хоналари, кутубхона, спортзал, шунингдек, компьютер хоналари билан таништирилди.

Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети декани У.Нарзуллаев ва профессор-ўқитувчилар ТАТУ Самарқанд филиали фаолияти, қабул квоталари, таълим йўналишлари, лаборатория жихозларининг ишлатилиши, сервер хонасининг ташкил этилиши ва бир қатор лойиҳалар ҳақида маълумотлар берди.

“Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси ўқитувчилари Маъруф Болбеков, Зафар Ғайратов, “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси ўқитувчиси Ислон Маматовлар ўзларининг йўналишлари бўйича ўқувчиларга сўзлаб берилди.

Филиал ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган ўқувчиларда бу даргоҳда ўқишга бўлган қизиқиш янада ошди. Уларга 80-мактаб информатика фани ўқитувчиси А.Муродов ҳамда 111-мактаб информатика ўқитувчиси У.Эгамбердиевлар ҳамроҳлик қилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси филиалнинг кадрлар бўлими бошлиғи Анваржон Ботировга отаси

Йўлдошбой БОТИРОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# БУ – МЕНИНГ КАСБИМ, БУ – МУҲАББАТИМ!



Ўшанда қизгина жуда ёш эди. Аяжониси турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган опаларнинг овозини эшитгиси келса, дарҳол “переговорный”га йўл олишарди. Бу ерда телефончи қизларнинг “Тошкент”, “Тошкент” дея томоқлари бўғилгунча бақиришлари, сўзлашаётганларнинг эса бор овоз билан “Алло”, “Алло” дейишлари жуда ажойиб бўлар, кузатиб ҳайронларда қолар эди.

**К**ўраётганлари, эшитаётганлари гўёки бир туш, бир эртақ, тушуниб, англаб бўлмас тилсимот эди. Бу ғаройиб жойда соатлаб, ҳолдан тойгунча қолиб кетишарди. Ҳар тугул қизлари билан гаплашиб бўлгач, онаизорининг кўнгли тинчиб, она-бола уйга қараб аста йўл олишарди. Аяжониси нуқул “Шукр, қизларим бари соғу саломат экан, шукр” дер, қизгина эса онасини саволга кўмиб ташларди. “Бу бир ҳам илмда. Унга қаердадир ўқитишса керак. Опаларинг келганда сўрайсан”, – бу жавоб қизгинани қониқтирмасди. Ана шу телефон кабиноси, гўшаги кўз ўнгидан кетмас, иккитагина симга яширинган сирни ўйлай-ўйлай боши қотарди. Олисдагилар билан гаплашиб бўлса-я! Қандай қилиб? Бу қандай содир бўларкин! Бунинг сир-синаотларини қаерда ўргатишаркин? Бу саволларига ёғи таътилга келган опалари ҳам у кутган даражада жавоб беролмадилар...

– Бу симлар ҳикматини, улар қандай ишлашини биз ҳам билмаймиз, – дейишди опалари. – Бу саволларга жавоб топиш учун Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиш керак. Ҳамма фанлардан аълога ўқиётган бўлсанг ҳам, бу институтга кириш учун, айниқса, математика ва физикани кўпроқ ўргангин...

Ўша қизалоқ бугун вилоятда энг кўзга кўринган забардаст алоқачилардан бири Азизахон Абдуллажоновна бўлади. У мактабни тамомлаб, опалари айтганидай, Тошкент электротехника алоқа институтига кириб ўқиди. Меҳнат фаолиятини Фарғона телеграф-телефон станцияси шаҳарлараро телефон тармоғи цехи ўқувчи-телефончилигидан бошлади. Сўнг электромонтёр, электромеханик, катта электромеханик, муҳандис, цех бошлиғи, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали шаҳарлараро ва халқаро алоқалар ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи, Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи вазифаларида ишлади. 2015 йилдан буён Қува туман телекоммуникациялар боғламасини бошқариб, 37 йиллик бой тажрибасини боғлама ишини ривожлантиришга бағишлаб келмоқда...

Сидқидил, жону дили билан ишлаган қаҳрамонимиз йиллар ўтган сайин бой тажриба орттирди. Унинг касбда қамол топишида раҳматли опаси – Фарғона давлат университети психология кафедраси мудири Мамлакатхон Абдуллажонованинг ҳам опа, ҳам руҳшунсо сифатидаги ўрни беқиёс бўлди. Азизахоннинг ота-онаси – оддий ишчилар Абдилҳамид ва Осимхон Абдуллажоновлар етти нафар фарзандни ҳам олий маълумотли қилиш, оёққа қўйиш учун кечаю кундуз ишлашгани ҳақида эшитганим бор. Опалари, акиси ва сингиллари ҳам жамятнинг илғор кишилари бўлиб етишганлар, нуфузли идораларда хизмат қилишган.



**ИШЛАБ ЧАРЧАМАЯПСИЗМИ, ҲАМ ОИЛА, ҲАМ РАҲБАРЛИК ҚИЙНАБ ҚЎЙМАЯПТИМИ, ДЕГАН САВОЛИМГА ҚИСҚАГИНА, ЛЕКИН ИШОНЧ БИЛАН ЖАВОБ БЕРДИ: БУ – МЕНИНГ КАСБИМ, БУ – МУҲАББАТИМ-КУ! ЗАҲМАТЛАРИГА ЯРАША ҲУЗУРИ ҲАМ БОР...**

Филиал кадрлар бўлими ходимлари Азизахонга шундай таъриф беришди: устоз Абдуллажоновна раҳбар учун зарур бўлган хислатларнинг барчаси мужассам. Яқинда Қувадаги ўғли парваришида бўлган бемор устозимиз Юнусали ака Элмуродов зиёратида бўлиб, дуоларини олгани барчамиз учун ибрат. Одамнинг лавозимига қарамайди – ҳаммага баравар. Очигъчеҳра, хушчақчақлигини айтинг...

Жуда тўғри таъриф. Бёжиз алломалар, қувноқлик – буюк хислат. Кулганга дунё кулар, дейишмаган. Балки ана шу фазилатлари тўғайли аёл боши билан соҳадаги қийинчиликларни енгиб келаётгандир. Ўзи тўғрисида

гапиришни хуш кўрмаса-да, касби ҳақида сўз кетганда тўлқинланиб кетади. Ишлаб чарчамаяспизми, ҳам оила, ҳам раҳбарлик қийнаб қўймаяптими, деган саволимга қисқагина, лекин ишонч билан жавоб берди: Бу – менинг касбим, бу – муҳаббатим-ку! Заҳматларига яраша ҳузур ҳам бор...

Яхшиси, устоз ҳақида шогирдларидан бири, филиал бош бухгалтери Рустамхон Адахоновдан эшитайлик:

– Энди иш бошлаган кезларимизда устознинг салоҳиятига қойил қоларди. Дебиторлик деган муаммо авж олган йиллари эмасми, ҳарчанд уринмайлик, масалани ҳал қилолмасдик. Шунда опага мурожаат қилардик. Опа битта қўнғироқ билан масалани ҳал қиларди-қўярди. Демокчиманки, дипломатларга хос маҳорати бор эди. Аёл киши бўла туриб, алоқа технологияларини пухта эгаллаганидан ташқари, сўзлашув маданиятини ҳам юксак даражада эгаллаган бўлиб, фикрига далиллари келтирардики, ҳайратимиз ошгандан ошарди. Ўзига айтмасдик-у ўзаро “Универсал устоз” деб атардик. Опамиз бор қобилиятини фаолиятига сафарбар эта олган меҳнатсевар, ҳайрат-шижоатли аёллардан. Эришиб келётган муваффақиятларга қараб ҳам устознинг ўсиб-унган оила муҳитини тасаввур этиш мумкин. Ҳам оилани, ҳам ишини бирдай олиб бораётган аёл раҳбарга ҳар қанча тасаннолар айтсангиз оз. Барака топсин. Меҳнатлари ва фарзандлари роҳатини кўриб юрсин.

Устоз Абдуллажоновна бошлиқ қувалик телекомчилар сўнгги йилларда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Туман маркази ва олис қишлоқларга иккита ОЛТ қурилмаси ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا кўра 68та мактаб, 59та мактабгача таълим муассасаси, 19та соғлиқни сақлаш объектигача оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Режа юз фоиз адо этилди. Фуқаролар йиғинлари, миллияти таянч пунктлари, жисмоний ва юридик шахсларга ҳам юқори тезликдаги интернетдан

фойдаланиш имконлари яратилди. Интернетдан фойдаланувчи мижозлар сони ўтган йилнинг март ойдан буён 800 нафарга кўпайиб, 2300 нафарга етди. Айни кунларда жамоанинг руҳияти ниҳоятда кўтаринки. Бойси шуки, режа бажарилгани учун қўшимча ҳақ тўланар экан. Ҳаммага Рағбат, мотивация деганлари мундоқ бўлибди!

Аёлларга аталган кун арафасида чиройли эҳтиромлардан чехралар соодатманлик туйғуларидан ёришиб кетди. Ўзининг ақлу идроки, интилишлари, касбим-бахтим, элим деб азизлик мақмои муяссар айлаган Азизахон, латиф назокатли Лазоқатхон, олижаноблик тимсоли Замирахон, ширин сўзлари, саҳийлиги ила дилларни қувнатувчи Дилфузахону Дилфрўзхонлар, ҳаёти гуллари икковлон Гулнорахонлар – жамоа аёллари ҳақида сўзлаб, улардаги гўзал фазилатлар касбга муҳаббат шарофатидан шакланган дея ҳулосалайди.

– Мен нафақат ўз жамоамдаги муносиларимни, балки юртимиздаги барча алоқачи дилбар, дилрабо аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий қутлаб, оилаларига қут-барака, тинчлик, хотиржамлик ва оналик, опалик, сингиллик, қиз фарзандлик бурчларини ёруғ юз билан бажариб юришларида омад ёр бўлсин, дейман! Тилагим шуки, биз аёлларнинг ҳар бир кунимизни айни дамлардагидек бахорий шоду хуррамлик ҳамиша зийнатлаб турсин. Юртимиз ривожига кўз тегмасин!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>			<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p>	
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>			<p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Asliddin BO'RIYEV.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>T-359 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3332</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>	
<p>Viloyat muxbirlari:</p> <p>Andijonda (74) 226-47-80    Buxoroda (99)854-7305    Jizzaxda (94) 199-95-64    Namanganda (91) 353-71-25    Navoiyda (79) 225-91-10    Nukusda 554-35-45    Samarqandda (91)557-84-44    Termizda (99)508-30-52    Toshkentda 234-18-59    Urganchda (97) 211-65-05    Farg'onada (73) 244-18-05    Qarshida (93)931-08-99</p>					